

лай меҳнат шароитларини яратиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

3. Аҳоли сонининг ортиб бориши тўқимачилик саноати маҳсулотларига бўлган талабнинг кўпайишига, бу эса корхоналар томонидан энергияга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва бу орқали корхона самарадорлигини сақлаб қолиш ва ошириш мумкин.

4. Ҳукумат томонидан тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама иқтисодий ва ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга белгиланган тартибда имтиёزلарни такомиллаштириш ва жорий қилиб бориш, ушбу соҳанинг ривожланишига ва ишлаб чиқариш корхоналарининг сони ортишига, бу эса аҳолининг иш билан таъминланишига сабаб бўлади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Textiles and the environment: the role of design in Europe's circular economy <https://www.eea.europa.eu/publications/textiles-and-the-environment-the>
2. Sumanth D. J. Implementation Steps for a Productivity Measurement Programs in Companies. IIE Conf. Proc.
3. Amato L.H. and Christie H.A. "The Effect of Global Competition on Total Factor Productivity in U.S. Manufacturing". Review of Industrial Organization. 2001. 19: 407-423. Avenzora, A. Analisis Produktivitas dan Efisiensi Industri Tekstil dan Produk Tekstil di Indonesia Tahun 2002-2004.
4. Altomonte C., Alessandro B. and Armando R. "Import Penetration, Intermediate Inputs and Productivity: Evidence from Italian Firm". Working Paper: Dynreg 2008.
5. Jajri I. and Rahmah I. "Technical Progress and Labour Productivity in Small and Medium Scale Industry in Malaysia". European Journal of Economics, Finance and Administrative Sciences – Issue 15. Euro Journal, Inc., 2009, pp. 199-208.
6. Joshi R.N. and Singh. "Estimation of Total Factor Productivity in The Indian Garmen Industry". Journal of Fashion Marketing and Management Vol. 14, No. 1, 2010, pp. 145-160.
7. Alvarez R. and Sebastian C. "David Versus Goliath: The Impact of Chinese Competition on Developing Countries". Working Papers Central Bank of Chile 478, Central Bank of Chile.
8. Grosskopf S. "Efficiency and Productivity», in Fried, H.O., C.A.K. Lovell and S.S. Schmidt (Eds.), The Measurement of Productive Efficiency: Techniques and Applications», Oxford University Press, New York, 1993, 160-194.
9. Kiron M.I. Factors Influencing Productivity in Textile Industry.
10. Баходиров Н.К. Тўқимачилик саноати корхоналарининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари. // Xorazm Ma'mun axborotnomasi. 4/2022 йил.



**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Отамуродов Шавкат Нусратиллаевич –**  
Иқтисодиёт фанлари доктори, Термиз давлат университети Иқтисодиёт кафедраси доценти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a64](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a64)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон экспортининг ўсиши ва унинг таркибий ўзгаришлари таҳлил қилиниб, экспортининг таркибида қўшилган қиймат юқори саноат маҳсулотларини кўпайтириш орқали унинг барқарор ўсишини таъминлашни ошириш имкониятлари баҳоланган. Шунингдек, Ўзбекистон экспортини рағбатлантиришда имтиёزلар самарадорлиги таҳлил этилган, бу соҳада давлатнинг молиявий ёрдами самарадорлигини ошириш, экспортни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** экспорт, диверсификация, иқтисодий барқарорлик, молиявий ёрдам, экспортни қўллаб-қувватлаш.

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭКСПОРТА ПРОМЫШЛЕННОЙ ПРОДУКЦИИ УЗБЕКИСТАНА**

**Отамуродов Шавкат Нусратиллаевич –**  
доктор экономических наук, Термезский государственный университет доцент кафедры Экономики

**Аннотация.** В статье анализируется рост экспорта Узбекистана и его структурные изменения, оцениваются возможности обеспечения стабильного роста за счёт увеличения в её структуре промышленной продукции с высокой добавленной стоимостью. Также анализируется эффективность существующих льгот в продвижении экспорта Узбекистана, на основе которых разработаны научно обоснованные практические рекомендации по повышению эффективности финансовой помощи и совершенствованию мер по поддержке экспорта.

**Ключевые слова:** экспорт, диверсификация, экономическая стабильность, финансовая помощь, поддержка экспорта.

**Otamurodov Shavkat Nusratillaevich** -  
*doctor of economic sciences, Termez State University*  
*Associate Professor of the Department of Economics*

**Abstract.** *The article analyzes the growth of Uzbekistan's exports and its structural changes, assesses the possibility of ensuring its stable growth by increasing high value added industrial production. It also analyzes the effectiveness of existing incentives in promoting Uzbekistan's exports, on the basis of which evidence-based practical recommendations have been developed in case to improve the effectiveness of financial supporting programs and measures in this field.*

**Key words:** *export, diversification, economic stability, financial assistance, export support.*

**Кириш.** Сўнгги 30 йил давомида, яъни 1990-2020 йилларда жаҳон иқтисодиётида кўплаб мамлакатларнинг очиқ иқтисодиётни шакллантириш ҳамда халқаро меҳнат тақсимотида иштирокини кенгайтириш бўйича ҳаракатларнинг фаоллашиши билан тавсифланади. Хусусан, ушбу даврда дунё бўйича мамлакатларнинг ташқи савдо айланмаси жорий нархларда 5,1 баробар (қийсий нархларда 3,6 баробар) ўсиб, 2020 йилда 44,18 триллион АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу тенденциянинг асосий сабабларидан бири сифатида 20-асрнинг иккинчи ярмида очиқ иқтисодиётга асосланган ва экспортга йўналтирилган ривожланаётган мамлакатларнинг (айниқса, Осиёдаги янги индустриал давлатлар) ижобий тажрибасини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу давр давомида бўлиб ўтган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлар очиқ иқтисодиёт ва глобаллашув жараёнларининг кўплаб салбий оқибатларини ҳам намоён этди. Иқтисодий адабиётларда очиқ иқтисодиётнинг ушбу салбий таъсирини камайтиришда мамлакат ташқи савдо сиёсатининг муҳим воситаси сифатида ташқи савдонинг диверсификацияси кўрсатилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ мамлакат иқтисодиёти ҳамда ташқи савдосининг диверсификациясини таъминлашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг шаклланишида қишлоқ хўжалигининг ўрни қисқариб, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг улуши ўсди. Шунингдек, Ўзбекистон экспорти диверсификациясида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз экспорти ҳануз айрим турдаги товарлар ва мамлакатларга боғланиш даражаси юқори. Хусусан, 2021 йилда бешта асосий экспорт йўналишларининг (ХХР, Россия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон) мамлакат экспортидаги улуши 49.7 фоизни, тўрт номланишдаги товарларнинг (олтин, рангли металллар, калава ип ва табиий газ) улуши эса 44,4 фоизни ташкил этади [1].

Сўнгги йилларда мамлакатимиз экспорти ҳажмини ошириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар улушини кенгайтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, усту-

вор мақсадлар белгиланган. Хусусан, машинасозлик тармоғи саноати маҳсулотлари экспортини беш йил ичида 2 баробарга, электротехника маҳсулотлари экспортини 3 баробарга ошириш вазифалари белгиланган [2, 3]. Ушбу вазифалар бажарилиши ва мамлакатимиз экспортининг барқарорлигини таъминлашда мамлакатимиз янги товарлар экспортини кўпайтириш ва экспорт географиясини кенгайтириши лозим. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида 2022 йилнинг 11 ноябрида бўлиб ўтган иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган имтиёзлар самарадорлиги таҳлили бўйича йиғилишда имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди [4].

Шу сабабли ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ва ушбу маҳсулотлар учун истиқболли бозорларни аниқлаш, берилётган имтиёзларнинг бу борадаги самарадорлигини таҳлил қилиш ҳозирги куннинг ўта долзарб масалалари ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мамлакат экспорт диверсификацияси ва унинг иқтисодий ўсиши ҳамда экспортнинг барқарорлигига таъсири масалалари кўплаб иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида ўрин олган. Ушбу тадқиқотларнинг асосий қисми экспортнинг диверсификацияси орқали мамлакатлар ташқи бозорлардаги нархлар ўзгарувчанлигининг таъсирини юмшатиш, экспорт тушумларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда унинг ҳажмини ошириш орқали мамлакат иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши тўғрисида хулоса олишган.

Хусусан, Э.Маниа ва А.Риберлар 54 та ривожланаётган мамлакатларнинг 1995-2015 йилларга оид маълумотларини таҳлил этиб, мазкур мамлакатларнинг глобал қўшилган қийматлар занжирига интеграциялашуви уларнинг барқарор иқтисодий ўсишига ижобий таъсир этганлигини аниқлашган. Шу билан бирга, экспорт диверсификациясининг ижобий таъсири даражаси барча мамлакатлар гуруҳида бир хил эмас. Экспорт диверсификациясининг самарадорлиги унинг таркибидаги технологик мураккаб (қўшилган қиймати юқори бўлган) маҳсулотларнинг улушига боғлиқ [5].

Экспорт таркибининг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги масалалари бошқа иқтисодий тадқиқотларда ҳам ўрин олган. Шунингдек, иқтисодий адабиётларда экспорт таркибида қайси турдаги маҳсулотлар кўпайиши муҳимлиги бўйича ҳам турли ёндашувлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар экспорт таркибида мамлакат нисбий устунлиги (афзаллиги)га эга бўлган товарлар экспортини кенгайтиришнинг тарафдори бўлса [6], иккинчи гуруҳ олимлари мазкур ёндашув ривожланаётган мамлакатларда ресурс ва меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотларга ихтисослашувининг кучайиши натижасида инновацион ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик бўлиши ва ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокининг самарадорлиги пасайишига сабаб бўлишини аниқлашган [7].

Сўнгги йиллардаги иқтисодий адабиётларда ушбу масалага оид тадқиқотларнинг кўпайишини кузатишимиз мумкин. Масалан, П.Лектар ва Э.Ружьелар ўтказган тадқиқотларида мамлакатлар экспортини ривожлантиришда уларнинг ташқи бозорда нисбий устунликка эга бўлмаган маҳсулотларнинг экспортини кўпайтириш эвазига ушбу мамлакатларда саноат маҳсулотлари экспорти кенгайтиришига ижобий таъсир этганлигини аниқлашган. Аммо бу ҳолат кўпроқ ўрта даромадли ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ кузатилган [8].

Мамлакатимиз экспортини ривожлантириш, унинг барқарорлигини ошириш ҳамда диверсификацияси масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида ҳам ўрин олган. Бир йўналиш тадқиқотлар мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик маҳсулотларининг экспорти диверсификациясини ўрганиш ва нисбий устунликка эга бўлган мева-сабзавот турларини аниқлашга қаратилган. Масалан, М.Умарходжаева томонидан мамлакатимиз мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспортининг салоҳияти ва унинг диверсификацияси ўрганилган [9].

Б.Турсунов мамлакатимиз экспортининг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этган [10]. Шу билан бирга, мазкур тадқиқотларда Ўзбекистон экспортининг истиқболдаги таркибий ўзгаришлари ва йўналишлари ҳамда берилган имтиёзлар самарадорлиги бўйича фикр юритилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақола доирасидаги тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, шунингдек, абстракция, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат идоралари-

нинг очиқ маълумотлари ҳамда халқаро савдога оид маълумотлар базалари (COMTRADE) статистик маълумотларидан фойдаланилди. Мазкур маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, экспорт ҳажми ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинди. Бундан ташқари экспорт диверсификацияси ва янги бозорларда маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ҳамда таркибини кенгайтириш мавзусига оид назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотлар муҳим жиҳатлари таҳлили асосида тегишли хулосалар шакллантирилди.

**Тадқиқот натижалари.** Ўзбекистон сўнгги 30 йил давомида мамлакат иқтисодиётининг ҳамда ташқи савдо диверсификацияси бўйича сезиларли ижобий натижаларга эришди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатда ялпи ички маҳсулот яратилишида аграр тармоқнинг улуши қисқариб, саноат тармоғи ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши ошди. Шу каби тенденция мамлакат ташқи савдосида ҳам кузатилди. Экспорт ва импорт таркибида МДҲ давлатларидан ташқари кўплаб узоқ хориж давлатлари ўрин олди. Бундан ташқари экспортдаги маҳсулотлар таркибида ҳам пахта толасининг улуши кескин қисқариб, қўшилган қиймати юқори бўлган саноат маҳсулотлари улуши ортиб бормоқда, шунингдек, сўнгги йилларда валюта тушумини таъминлашда хизматлар экспорти ҳам аҳамияти ортиб бормоқда. Масалан, 2021 йил якунига келиб, саноат маҳсулотларининг мамлакатимиз экспортидаги улуши 26,1 фоизни, хизматлар эса 15,3 фоизни ташкил этди [1].

Шу билан бирга, экспортнинг мамлакат иқтисодиёти самарали ривожланишига ижобий таъсири кўп жиҳатдан унинг таркибидаги қўшилган қиймати юқори ҳамда илмий интенсив маҳсулотларининг улуши катта бўлишига боғлиқ. Мамлакатимиз экспортининг таркиби таҳлилида унинг таркибида ресурс маҳсулотларининг улуши юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, олтиннинг мамлакат экспортидаги улуши 24,7 фоизни ташкил этган, 2022 йилдан табиий газ экспорти ҳам сезиларли ортиб бормоқда. Бундан ташқари мамлакатимиз 2021 йилда 2927,2 млн. АҚШ долларилек тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилган. Унинг 1613,5 млн.

АҚШ доллари, яъни 55,1 фоизи пахтадан йигирилган ипга тўғри келади. Ўз навбатида, тайёр трикотаж ва тикилган кийимлар экспорти 644,9 АҚШ доллари (22 %), нақшли мато 242,8 млн. АҚШ доллари (8,3 %) ва пахтадан матолар 131,6 млн. АҚШ долларини (4,5 %) ташкил этган [1]. Умуман олганда, тўқимачилик саноати сўнгги йилларда қўшилган қиймат юқори бўлган маҳсулотларнинг экспортини кўпайтириш бўйича ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Маз-

кур тармоқнинг ривожланиши, мамлакатимиз экспортининг ҳажмини оширишда аҳамиятини

қуйида келтирилган жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Беларусь Республикаси ва Россия Федерациясида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари импорти бўйича маълумот**

№	ТН ТИФ коди	Маҳсулот номи	Ҳажми (кг)		Умумий қиймати (минг АҚШ долл.)		Нархи (АҚШ долл./кг)	
			Беларусь	Россия	Беларусь	Россия	Беларусь	Россия
1.	5205	Калава ип	3503,9	98632,5	10932,0	197664,4	3,12	2,00
2.	5208	Пахталик матолар	32,9	15541,0	159,1	45055,8	4,84	2,90
3.	6006	Трикотаж матолар	54,2	13145,3	292,5	50204,4	5,39	3,82
4.	6104	Костюм тўпл., кўйлақлар ва ҳоказо	16,7	2450,0	261,7	33219,9	15,65	13,56
5.	6109	Майка ва футболкалар	43,9	7548,8	466,0	88376,6	10,62	11,71
6.	6110	Свитер, кардиган ва бошқа устки кийимлар	36,2	2413,7	466,2	29705,1	12,86	12,31
7.	6302	Чойшаблар	356,5	8582,3	2030,5	42729,8	5,70	4,98

*Манба: Comtrade.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди*

*Изоҳ: Маҳсулот нархлари СІР нархларида олинган, яъни мамлакат чегарасигача етказиб бериш харажатларини ҳам ўз ичига олади.*

Ушбу жадвалда Россия ва Белоруссия мамлакатларига мамлакатимиздан 2020 йилда экспорт қилинган айрим тўқимачилик маҳсулотларининг миқдори келтирилган ҳамда бир килограмм маҳсулотнинг ўртача нархи ҳисобланган. Иқтисодий адабиётларда мамлакатимиз енгил саноати ишлаб чиқаришида қўшилган қийматнинг миллий бозорларда нархлари асосида ҳисобланган, мазкур тадқиқотдан фарқлироқ, ташқи бозорлардаги нархлар асосида ҳисобланди [11]. Таҳлилда таркибида пахта толасининг ҳиссаси юқори бўлган маҳсулотлар танланган. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, калава ипнинг матога айланиши ҳар бир килограмм маҳсулот учун қўшимча 0,8-1,7 АҚШ доллари қўшиладиган бўлса, чойшабларда ушбу қўшимча қиймат 2,5-2,9 АҚШ доллари, майка ва футболкаларда 7,4-9,7 АҚШ доллари, костюм тўпламлари, кўйлақлар ва бошқа тайёр кийимларда 11,8-12,5 АҚШ долларини ташкил этади. Яъни тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш занжирининг кейинги босқич маҳсулотлари экспорт қилиниши натижасида мамлакатимиз валюта тушумини бир неча баробар ошириш билан бирга кўплаб иш ўринлари яратиш имконига эга бўлмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларига (шу жумладан, мева ва сабзавотларга) бўлган талабнинг ошиши ҳамда бу турдаги маҳсулот нархларининг ўсиш тенденцияси мавжудлиги кўплаб мамлакатларнинг ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтиришга эътибори кучайди. Мамлакатимизда ҳам мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида айрим турдаги мева ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб

чиқариш ва уларнинг экспортида сезиларли ижобий натижаларга эришилди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ташқи савдонинг барқарор ўсишини таъминлашда бир қатор муаммоларни вужудга келтиради. Авваламбор, мева-сабзавот нархларининг табиий ресурслар нархлари каби ўзгарувчанлигининг юқорилиги. Ўзбекистон мева-сабзавотлари экспортида муҳим ўрин тутган мамлакатлардаги айрим турдаги мева-сабзавотларнинг 2017-2020 йиллардаги нархлари таҳлили мазкур фикрни исботлайди. Масалан, Қозоғистон томонидан Ўзбекистонда етиштирилган карамнинг ҳар бир килограмми 2018 йилда 0,15 АҚШ доллари, 2019 йилда 0,26 АҚШ доллари ва 2020 йилда 0,17 АҚШ долларига импорт қилинган (2-жадвал). Шу каби нархларнинг йиллар бўйича ўзгаришини барча ўрганилган маҳсулотлар бўйича кузатиш мумкин. Мамлакатлараро нархлардаги фарқ етказиб бериш харажатлари ҳисобига вужудга келган бўлса, бир мамлакатнинг ўзида ҳам йиллар бўйича нарх тебранишларининг даражаси юқори. Бу эса ўз навбатида, мева-сабзавотлар экспорти тушумининг барқарорлигига салбий таъсир этади.

Бундан ташқари мамлакатимиздаги мева-сабзавотларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликлариде етиштирилади. Шу сабабли йиллик экспорт ҳажмини режалаштириш, истиқболли импортчилар билан олдиндан ва узоқ муддатли шартномалар тузиш анча мушкул. Буни, айниқса, сабзавот маҳсулотлари экспортида яққол кузатишимиз мумкин. Мамлакатимиздаги боғлар майдонлари маълум даражада аниқ бўлса, сабзавот экинларининг майдонлари бўйича аниқлик йўқ. Шу сабабли йиллар кесимида сабзавотларнинг ички бозорда ҳам нархлари сезиларли ўзгариб туради.

Ўзбекистон айрим турдаги мева-сабзавотларнинг ташқи бозорлардаги импорт нархлари тўғрисида маълумот, АҚШ доллари/кг.

Маҳсулот	Йиллар	Қозоғистон	Беларусь	Россия	Украина
Карам	2017	0,19	0,36	0,22	0,22
	2018	0,15	0,37	0,18	0,25
	2019	0,26	0,43	0,3	0,31
	2020	0,17	0,36	0,29	0,34
Сабзи	2017	0,15	м/й	0,17	м/й
	2018	0,14	0,37	0,17	м/й
	2019	0,16	0,44	0,29	0,31
	2020	0,13	0,4	0,24	0,22
Карам	2017	0,2	м/й	0,26	м/й
	2018	0,14	0,26	0,33	0,24
	2019	0,2	0,36	0,24	0,18
	2020	0,15	0,34	0,32	0,22
Ўрик	2017	0,91	м/й	0,89	0,98
	2018	1,19	1,23	1,01	1,42
	2019	0,68	0,82	0,99	0,99
	2020	0,42	1,04	0,99	1,03
Узум	2017	0,72	0,96	0,74	0,84
	2018	0,94	0,95	0,8	0,84
	2019	0,91	1,08	0,93	0,84
	2020	0,64	1,06	1,07	0,83
Шафтоли	2017	0,57	м/й	0,57	м/й
	2018	0,71	м/й	0,66	1,74
	2019	0,62	1,21	1,06	0,75
	2020	0,43	1,1	1,21	1

Манба: Comtrade.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Изоҳ: Маҳсулот нархлари СІР нархларида олинган, яъни мамлакат чегарасигача етказиб бериш харажатларини ҳам ўз ичига олади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар бир мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга ва барча мамлакатлар ички бозорда уларнинг нархлари кескин ошишининг олдини олишга ҳаракат қилади. Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатлар айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортини чеклаш ҳолатлари кузатилди. Масалан, 2022 йилда Россия дон ва шакар маҳсулотларининг экспортини, Қозоғистон дон маҳсулотлари ва ун экспортини, Ўзбекистон тухум экспортини турли муддатларга чеклади.

Ўзбекистон ташқи савдосини ривожлантиришдаги муҳим муаммолардан бири унинг логистика харажатларининг юқорилиги ҳисобланади. Ўзбекистон географик жойлашуви жиҳатидан қуруқлик билан қопланган (landlocked) мамлакатлар тоифасига киритилади. Мазкур тоифадаги мамлакатлар ташқи савдосида транспорт харажатларининг салбий таъсири юқори бўлади. Ўзбекистон ташқи савдо юк ташишлари еттига асосий транспорт йўлаклари орқали амалга оширилади.

Мазкур йўлақлар бўйича маҳсулот етказиб бериш муддатлари ва нархлари фарқланади. Масалан, 20-22 тонна юкни темир йўл орқали Бендер Аббос (Эрон) портига етказиш муддати 6-7 кун ва 2400-2500 АҚШ доллари бўлса,

Мерсин (Туркия) портига 12-14 кун ва 3000-3100 АҚШ доллари, Софияга (Болгария) 14-15 кун ва 4000-4200 АҚШ долларини ташкил этади [12]. Бундан ташқари айрим турдаги маҳсулотлар учун (масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари) етказиб беришда махсус шароит яратилиши лозим, бу эса транспорт харажатларининг янада ошишига олиб келади.

Мамлакатимизда экспортчилар учун логистика харажатларини камайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Халқаро юк ташишнинг янги йўлаklarини очиш билан бир қаторда экспортчиларга транспорт харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш амалиёти жорий этилди.

Хусусан, 2021 йил давомида Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан мамлакатимиздаги турли корхоналар экспортига 234,98 млрд. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди. Ушбу маблағларнинг асосий қисми (63,8 %) экспорт маҳсулотларини ташиб бериш харажатларини қоплаб беришга сарфланди [13]. Ушбу ёрдам эвазига 507,8 минг АҚШ долларилик экспорт амалга оширилди. Қўйидаги жадвалда агентлик томонидан ажратилган молиявий ёрдам турлари бўйича самарадорлиги таҳлил қилинган (3-жадвал).

Кўрсатилган молиявий ёрдам ва унинг самарадорлиги бўйича маълумот (2021 йил)

Молиявий ёрдам тури	Кўрсатилган молиявий ёрдам (млн. сўм)	Шундан, амалга оширилган экспорт ҳажми (минг АҚШ долл.)	Ажратилган молиявий ёрдам самарадорлиги (минг АҚШ долл./ млн. сўм)
Кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш	14 040,37	68 358,74	4,87
Халқаро стандартлаш ва сертификатлаш тизимларини жорий этиш	31 443,51	109 332,45	3,48
Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини қисман қоплаб бериш	150 000,00	507 749,38	3,38
Экспорт қилувчи корхоналарга даврий нашрларга обуна бўлиш, тақдимотлар ва реклама компанияларини ўтказиш	2 411,81	27 428,89	11,37
Экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини қоплаб бериш	12 000,00	307 952,72	25,66
<b>ЖАМИ:</b>	<b>234 981,60</b>	<b>1 090 911,56</b>	<b>4,64</b>

*Манба:* Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Таҳлилда молиявий самарадорлик сифатида ажратилган молиявий ёрдам эвазига амалга оширилган экспорт ҳажми, яъни ҳар бир миллион сўм молиявий ёрдам ҳисобига амалга оширилган экспорт миқдори (минг АҚШ доллари) кўриб чиқилган. Таҳлиллар кўрсатишича, агентлик томонидан ажратилган ҳар бир миллион сўм эвазига 4,64 минг АҚШ доллари миқдоридан экспорт амалга оширилган. Мазкур кўрсаткич молиявий ёрдам турларига мувофиқ равишда фарқланади, энг юқори самарадорлик агентлик томонидан суғурта мукофотини қоплаб беришда қайд этилган бўлса, унинг энг паст даражасини ташиш харажатларини қоплаб беришда кузатиш мумкин.

Назаримизда молиявий ресурслар чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда маблағларни, авваламбор, самарадорлиги юқори бўлган йўналишларга сарфлаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, халқаро стандартлаш ва сертификатлаш тизимларини жорий этиш ҳамда кўргазма, ярмарка тадбирларида иштирок этиш каби тадбирлар узоқ муддатли шартномалар тузилишига имкон берган шароитда истиқболда экспортнинг давом этиши эвазига самарадорлик ошишига сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Ўз навбатида, ташиш харажатларини қоплаб бериш орқали экспортга ажратилган молиявий ёрдам самарадорлигини ошириш мушкул. Аксинча, фақат транспорт харажатлари қопланиб берилиши эвазигина ташқи бозорда рақобатбардошликка эришиши мумкин бўлган маҳсулотлар мамлакатимиз экспортида ўрин олиши ҳамда “боқиманда” экспортчи корхоналар кўпайишига олиб келиши мумкин. Албатта, ташқи бозорга дастлабки кириш даврида бу каби давлатнинг кўмаги муҳим бўлиши мумкин. Аммо

истиқболда ўз рақобатбардошлиги эвазига ташқи бозорларда ўрин эгаллаши мумкин бўлган маҳсулот турларини аниқлаш мураккаб.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сонли “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида халқаро сифат сертификатига эга, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган миллий бренд маҳсулотларини кўпайтириш вазифалари белгиланган. Назаримизда давлатнинг, шу жумладан, агентликнинг фаолияти миллий брендларни ташқи бозорларда, айниқса, унинг истиқболли йўналишларида (Жанубий Осиё, Шарқий Осиё, Ғарбий Осиё) танилиши, унинг ижобий имижига яратилиши, узоқ муддатли шартномалар тузилиши каби фаолиятга кўмаклашиши мақсадга мувофиқ.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унинг ҳажмини ошириш ва иқтисодий ривожланишида самарадорлигини оширишда давлатнинг ташқи савдо сиёсати муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз экспортини кенгайтириш, унинг таркибида кўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини орттириш, экспортчи корхоналар, янги бозорларни ўзлаштириш каби соҳаларда кўплай ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз экспорти тор доирадаги маҳсулот гуруҳлари ва мамлакатларга боғланиш даражаси юқорилиги тўлиқ бартараф этилмади.

Фикримизча, мамлакатимиз экспортчи корхоналарининг янги йўналишларга маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга қуйидаги омиллар тўсиқ қилмоқда:

- экспортчиларимиз кўплаб истиқболли бозорлар (талаб, таклиф, рақобат, тенденциялар ва ҳоказо) ҳамда давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш хусусиятлари ва дастаклари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга эмаслиги;

- ушбу мамлакатлар истеъмолчиларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида ахборотнинг йўқлиги;

- ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ логистика харажатларининг юқорилиги;

- экспортчи корхоналар ташқи бозорларда фаолиятни йўлга қўйишда замонавий маркетинг усулларида фойдаланишда тажрибаси етишмаслиги;

- корхоналар экспорт билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш (бозор таҳлили, маркетинг тадбирлари ва шу кабилар) учун зарур молиявий маблағларнинг етишмаслиги.

Назаримизда, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида экспортни кенгайтириш, унинг диверсификациясини жадаллаштириш ва таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кўпайтиришда давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати қуйидаги йўналишларни ҳам қамраб олиши мақсадга мувофиқ:

- сўнгги йилларда Жанубий Осиё, Шарқий Осиё ва Ғарбий Осиё мамлакатларида аҳоли

сонининг ва импорт ҳажмининг барқарор ўсиш динамикасини ҳисобга олиб, ушбу ҳудуд мамлакатларидаги импорт таркибини таҳлил қилиш ҳамда мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан келиб чиқиб, экспортнинг истиқболли йўналишларини ва маҳсулотларини аниқлаш.

- мазкур йўналишлардаги бозорларнинг ва маҳсулотларни силжтишнинг ўзига хос хусусиятлари, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш тартиби бўйича экспортчилар учун ахборот олиш имкониятларини яратиш;

- экспортнинг истиқболли йўналишларида миллий брендни тарғибот қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини таъминлаш, зарур стандартлаш ва сертификатлаш ҳужжатларини олишда кўмаклашиш;

- халқаро юк ташиш соҳасида рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш, логистика инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган имтиёзли молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш.

Мазкур вазибаларнинг бажарилиши, ўз навбатида, мамлакатимиз экспортида янги йўналишлар ва янги маҳсулотларнинг кўпайиши ҳамда миллий ишлаб чиқарувчиларимиз ташқи бозорларда рақобатбардошлиги ошишига имкон беради.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти очиқ маълумотлари. // <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>.
2. Электротехника тармоғида янги вазибалар белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида электротехника тармоғини ривожлантириш юзасидан йиғилиш. // «KUN.UZ» сайти, 2022, 6 май. <https://kun.uz/news/2022/05/06/>
3. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида машинасозлик саноатида амалга оширилаётган ишлар ва 2022 йилдаги устувор вазибалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтмоқда. // Халқ сўзи. 2022 йил 14 февраль, он-лайн. <https://xs.uz>
4. Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган имтиёзлар самарадорлиги таҳлили бўйича йиғилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. // <https://president.uz/oz/lists/view/5658>
5. Elodie Mania, Arsène Rieber, *Product export diversification and sustainable economic growth in developing countries, Structural Change and Economic Dynamics, Volume 51, 2019. Pages 138-151.*
6. Schott Peter K. *One size fits all? Heckscher-Ohlin specialization in global production. American Economic Review, 93 (3), 2003, pp. 686-708.*
7. Lee D., Zhang H. *Export diversification in low-income countries and small states: Do country size and income level matter? // Structural Change and Economic Dynamics. 2022. T. 60. P. 250-265.*
8. Lectard P., Rougier E. *Can developing countries gain from defying comparative advantage? Distance to comparative advantage, export diversification and sophistication, and the dynamics of specialization. // World Development. 2018. T. 102. C. 90-110.*
9. Umarxodjaeva M. *Export Potential Development and Export Diversification of Fruit and Vegetable Products in Uzbekistan's Economy. Архив научных исследований, 35 (1), 2020.*
10. Турсунов Б.О. *Экспорт рақобатбардошлиги: назария ва амалиёт. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. 2020 йил июнь, 3-сон.*
11. Хаджимуратов А.А. *Агросаноат интеграциясида қўшилган қиймат занжири. // Иқтисодиёт ва таълим. 2022 йил, 4-сон, 348-359 б. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a47](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a47)*
12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий веб-сайти очиқ маълумотлари. // <https://mift.uz/oz/menu/transportnye-koridor>
13. Экспортни рағбатлантириш агентли ҳисоботлари. // <http://epauzb.uz/pages/ochiq-malumotlar>